# ИШ ҲАҚИ ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ.

# ЯЛПИ ИШЧИ КУЧИ, УНИНГ БАНДЛИГИ ВА ИШСИЗЛИК.



# Режа:



1. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни
2. Меҳнат муносабатларининг иқтисодий мазмуни ва касаба уюшмаларининг роли
3. Ишсизлик ва унинг турлари. Ишсизлик даражасини аниқлаш.
4. Ўзбекистонда бандлик муаммоси ва ишсизларни ижтимоий ҳимоялаш.



- Яратилган ички миллий маҳсулотнинг унинг ишлаб чиқарувчилари ўртасида меҳнатнинг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб тақсимланадиган қисми **иш ҳақи** деб юритилади.



- **Иш ҳақи** – ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб, миллий маҳсулотдан оладиган улушининг пулдаги ифодасидир.

**Номинал иш ҳақи** -бу маълум вақт давомида олинган пул суммаси ёки пул шаклидаги иш ҳақи.





- **Реал** бу номинал иш ҳақига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори. Бошқача айтганда **реал иш ҳақи –**бу номинал иш ҳақини «харид этиш».

Ишга ёллаш бўйича корхона маъмурияти ва ишчилар ўртасидаги муносабат меҳнат шартномалари ёрдамида шаклланади.



# Тариф тизими

## Тариф малака маълумотномаси

Айрим касблар ва меҳнат турларининг батафсил таърифи, у ёки бу аниқ ишни бажарувчининг билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар

## Тариф сеткаси

Тариф разрядлари ҳамда тариф коэффицентлари-нинг мажмуи. Биринчи разрядли ишчи билан кейинги разрядли ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш ўзаро нисбатини ифодалайди

## Тариф ставкалари

Тегишли разрядга эга бўлган ишчининг меҳнатига тўланади-ган ҳақ миқдорини белгилаб беради

**Иш ҳақи ишчи ва хизматчилар меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига қараб, миллий маҳсулотдан оладиган улушининг пулдаги ифодаси**

Номинал иш ҳақи – маълум вақт давомида олинган пул суммаси ёки пул шаклидаги иш ҳақи

Реал иш ҳақи – номинал иш ҳақига сотиб олиш мумкин бўлган товарлар ва хизматлар миқдори

# Иш ҳақи

Ишлаган вақт миқдорига боғлиқ

Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига боғлиқ

**Вақтбай**

**Ишбай**

Вақтбай иш ҳақи=Соатбай ставка х Ишлаган соатлар

Ишбай иш ҳақи =Маҳсулот миқдори х донабай нарх




*Иш ҳақини белгиловчи асосий омиллар*



Меҳнатга лаёқатли бўлиб,
ишлашни хоҳлаган,
лекин иш билан таъминланмаганлар
ишсизлар дейилади.



# Ишсизлик турлари

- **даврий** – иқтисодий цикл (давр) давомида ишлаб чиқаришнинг умумий пасайиши билан тушунтирилади
- **фрикцион -** яхши меҳнат шароитларини излаш билан боғлиқ қисқа муддатли ихтиёрий ишсизлик
- **таркибий** –ишлаб чиқаршни техник қайта қуришда маълум малакага эга ишчи кучига талаб қисқарганда юзага келади
- **қисман** – кишилар тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтасида ишлайдиган ҳолатлар

Ишсизлик табиий даражасидан ошган шароитда ишлама**ётган ишчи кучи воситасида ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган товарлар ва хизматлар потенциал ҳажмининг йўқотилиши**

**Оукен қонуни**

Ишсизлик даражаси ўзгариши ва ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариши ўртасидаги боғлиқликни ифода этади:

Агар ишсизлик табиий даражасидан 1 % га ошса, ЯИМ ҳажмида 2,5 % йўқотиш мавжуд бўлади

**Ишсизликнинг оқибатлари**

- кишиларнинг турмуш даражаси пасайиши
- ходимларнинг малакасини йўқолиши
- ижтимоий ва сиёсий кескинликларнинг ўсиши


Фрикцион ишсизлик
Табий ишсизлик
Даврий ишсизлик
Ишсизликнинг турлари
Таркибий ишсизлик
Яширин ишсизлик

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркор лик**

- Янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли бандлик даражасини оширади
- Йирик корхоналар учун ишлаб чиқариш самарасиз бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини беради
- Маҳсулот ва хизматларни кўпайтириш орқали аҳоли фаровонлигининг ошишига ҳисса қўшади